O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2008-yil • 10-iyul • Payshanba • 83 (27.888) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Ўзбекистон Аллоҳнинг назари, меҳри тушган, файз ва барака ато этилган бетакрор замин.

Ўзбекистон қуёши порлоқ, насибаси бутун юртдир.

САХОВАТ ФАСЛИ

Аслида юртимиз тўрт фаслинингда ўзига хос бетакрор хислати бор. Лекин ЁЗ ўз номи билан бутун эл-улус дастурхонини тўкин, фаровон қилмоққа қодир бўлган ажойиб ва ғаройиб фаслдир. Ҳассос шоиримиз Ойбек домла таъриф берганларидек, «тупроғида олтин гуллагувчи» юртимизнинг тўрт тарафида бугун айни пишиқчилик бошланди. Мамлакатимизнинг қай бир шаҳар, қишлоқ ва овулларидаги бозорларга борманг, кўзларни қувнатувчи манзараларга гувоҳ бўласиз.

Саховат фасли бўлмиш ёзнинг турли хил нознеъматлари, боғбону миришкорлар меҳнати самараси акс этган ушбу суратларга таъриф топиш осонмас. Эндигина даладан узилган бодрингу қовун-тарвузини мақтаётганларнинг сўзларига беихтиёр маҳлиё бўласиз-қоласиз. Ёки бўлмаса, энг енгил боши бир килоча тош босаётган қоп-қора узумларини кўз-кўз қилаётган сотувчи йигитдан секингина «Булар қаерда етиштирилган, оғайни?» деб сўрасангиз, ўзбекона мулозамату ярим ҳазил аралаш «Узумини енгу боғини суриштирманг», дейди кулимсираб. Сўнгра «Паркентнинг узуми-да, ака», — дейди.

Мана бу, кўзларни қамаштиргувчи сархил олмаю ноклар, шафтолию олхўрилар Фарғона водийсидан, қовуну тарвузлар Сирдарё ва Жиззах далаларидан, ҳамма-ҳаммаси ўз юртимиз неъматлари...

Абдувоси ҲАЙДАРОВ олган суратлар

ТУПРОҒИДА ОЛТИН ГУЛЛАЁТГАН ЮРТ

Муносабат

БУЮК БУНЁДКОРЛИКЛАР САРИ

Мустақиллик йиллари тиббиёт тизимида амалга оширилган ислоҳотлар ўз самараси билан кишини қувонтиради.

Бир мисол. Республика шошилинч тез тиббий ёрдам илмий маркази ва унинг Наманган филиали ҳам мустақиллик шарофати билан ташкил топган. Ўтган йиллар мобайнида марказимизга замонавий тиббий асбоб-ускуналар, диагностик лаборатория жиҳозлари келтирилди. Яна шу ўринда кадрлар салоҳияти, даволаш сифати муттасил ўсиб бораётганини таъкидлаш лозим.

Ўтган йилнинг ўзида бир мутахассисимиз тиббиёт фанлари доктори, 2 нафар шифокоримиз тиббиёт фанлари номзоди илмий унвонини олишга муваффақ бўлди. «Воҳидов ўқишлари», «Кардиология ва кардиохирургиянинг долзарб масалалари» илмий-амалий анжумани каби ўқув-тажриба йиғинларининг тез-тез ўтказилаётгани, айниқса, Новосибирск соғлиқни сақлаш департаменти ва Наманган вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ўртасида тузилган кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш шартномаси, унинг самараларида ҳам истиқлолимиз имкониятлари мужассам.

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг ўн етти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори билан танишарканман, шу ҳақда ўйладим. Назаримда, ҳозир ёшидан, миллатидан, касб-коридан қатъи назар, ҳар бир Ўзбекистон фуқароси барча ютуқларимиз мустақиллигимиз шарофатидан эканини англаб етмоқда. Ҳаётга муҳаббати, келажакка ишончи ортмоқда. Атрофга бир назар ташласанг, оддий деҳқондан тортиб, профессоргача кундалик турмуш маданияти, ҳаёт ўзгариб бораётганини кўриб, ҳис этиб турибди.

Мустақиллигимизнинг ўн етти йиллик тантанаси, кўтаринки руҳда нишонланади. Чунки халқимизнинг турмуш даражаси тобора ўсиб, равнақ топиб бормоқда. Юртимиз келажаги порлоқ эканига ишончимиз комил. Мана шу ишонч ҳар биримизни улуғ ишларга ундайди.

Баркамол ИСҲОҚОВ,
Республика шошилинч тез тиббий ёрдам илмий марказининг Наманган филиали директори, тиббиёт фанлари номзоди.

Диққат, янги рукн:

МУСТАҚИЛЛИК МЕНИНГ ТАҚДИРИМДА

Ўз истиқлолининг 17 йиллик тўйига қизғин ҳозирлик кўраётган Ўзбекистонимизнинг ўтаётган ҳар бир куни, ҳар бир сонияси моҳияти ва аҳамиятига кўра буюк келажакка монанд хайрли ишлар, эзгу амаллар билан тарих саҳифаларига муҳрланмоқда. Халқимиз ҳаётида ёрқин из қолдираётган бу ўзгариш ва ютуқларда, албатта, юртдошларимизнинг қутлуғ орзу-ниятлари, шунга мос интилишлари, фидокорона ишлари мужассам. Бутун қайси соҳани олмайлик, йирик-йирик саноат корхоналарида меҳнат қилаётган ишчидан тортиб, илмий муассасаларда тадқиқот олиб бораётган олимгача ёки бўлмаса, ҳали мактаб партасидаёқ дунёга танилиб улгурган ёш истеъдодгача, барча-барчанинг тилида ва дилида битта ният — она диёримизнинг гуллаб-яшнашига муносиб ҳисса қўшиш. Энг муҳими, бунинг учун мамлакатимизда ҳар кимнинг бор истеъдоди, қобилиятини намоён этишига кенг имкониятлар яратилган...

4-бет

СУВ ТАЪМИНОТИ ЯХШИЛАНМОҚДА

Қорақалпоғистон Республикасида аҳолининг яшаш шароити, турмуш фаровонлигини янада юксалтириш, жумладан, тоза ичимлик суви таъминотини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Амударё туманидаги «Оёқчи» ва »Бўзчи» овулларида икки мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Металл қувурларнинг эскиргани туфайли бу ерда сув таъминоти билан боғлиқ айрим муаммолар юзага келган эди. Эндиликда улар тўлиқ замонавий полиэтилен қувурлари билан алмаштирилди. Яратилган бу қулайликдан аҳоли мамнун.

— Туманимиз ҳудудидаги ичимлик суви тармоқларининг умумий узунлиги 57 километрни ташкил этади, — дейди ичимлик суви тармоқлари идораси раҳбари Оллаёр Камолов. — Жорий йилда бир ярим километр масофадаги қувурни алмаштириш кўзда тутилган. Ҳозир «Манғит-Оқ олтин» линиясида ҳам ана шундай реконструкция ишларини якунига етказаяпмиз.

А.ОРТИҚБОЕВ,
ЎзА мухбири

ЯРАШГАННИНГ АЙБИ ЙЎҚ
халқимизга хос кечиримлилик ва бағрикенглик ҳаётда ўз ифодасини топаётир 2

ДЕБЮТАНТНИНГ «БРОНЗА»СИ
янги ғалабалар сари ундамоқда 4

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР РИВОЖЛАНИШИ

фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим омилидир

Шу йилнинг 8 июль куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ва Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти партия фаоллари учун ташкил этган «Сиёсий партиялар: ривожланиш жараёнлари» мавзуида семинар-тренинглар иш бошлади. Унда мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида ЎзХДПнинг иштироки, сиёсий партиялар учун яратилган меъёрий-ҳуқуқий асослар, партия ташкилотларининг сайловолди вазифалари, мамлакат парламентида ЎзХДП депутатларининг фаолияти ва бошқа масалалар хусусида чиқишлар, саволжавоб, баҳс-мунозаралар бўлиб ўтаяпти.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Латиф Ғуломов ва Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти директори ўринбосари Баҳодир Эргашев тадбирнинг асосий мақсади ривожланган мамлакатлар тажрибасини ҳисобга олиб, фуқаролик жамиятининг турли институтлари учун яратилган ташкилий-ҳуқуқий асослардан фойдаланган ҳолда, сиёсий партияларнинг парламент демократияси институтида иштирокининг самарали шакл ва услублари ҳақида фикр алмашиш, партиянинг бу борадаги ишларини такомиллаштириш эканини таъкидладилар. Муҳокама этилаётган мавзуларнинг мазмун-моҳияти Ўзбекистон ХДПнинг парламентдаги фракцияси фаолияти самарадорлигини ошириш, партиянинг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигини такомиллаштириш, электорат билан ишлаш ва сайлов кампаниясида замонавий сиёсий технологиялардан фойдаланиш, партия ташкилотларининг мафкуравий, ташкилий ишлари каби масалаларга қаратилгандир.

2-бет

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензиялан

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР РИВОЖЛАНИШИ

фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим омилидир

(Давоми. Боши 1-бетда)

Фуқаролик жамиятини ҳаракатга келтирувчи асосий воситалардан бири бўлган сиёсий партияларнинг давлат бошқарувидаги мавқеини кучайтиришга йўналтирилган ислоҳотлар изчиллик билан, босқичма-босқич амалга оширилаяпти. Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун мамлакатимизда демократиянинг миллий моделини шакллантиришга қаратилган демократик модернизациялаш концепциясини амалга оширишда янги уфқларни очмоқда ва сиёсий партиялар фаолиятини янги босқичга олиб чиқмоқда. Ўзбекистон Халқ демократик партияси мазкур Қонун орқали юзага келган янги ҳуқуқий муҳитда барча даражадаги депутатларнинг фуқаролик позициясини шакллантириш ва масъулиятини ошириш, парламент ва депутатлик назоратини ташкил этиш каби долзарб масалаларга алоҳида эътибор бераётгани таъкидлаб ўтилди.

Анжуманда айтилдики, жаҳон ҳамжамиятининг аъзоси бўлган ҳар бир мамлакат инсон ҳуқуқларига қатъий риоя этиш, уни жамоатчилик онгига чуқур сингдириш ҳамда миллий қонунчилик мезонларида юридик жиҳатдан мустаҳкамлаш борасида муайян такомил йўлини босиб ўтади. Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки кунларидан инсоният тамаддунининг мазкур тажрибасини ўзлаштириш ва уни амалга татбиқ этишга тайёр эканини кўрсатди. Бочқичма-босқич, изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотларнинг марказида инсон, унинг ҳуқуқлари ва манфаатлари асосий ўринни эгаллаши, инсон манфаатлари муҳофазаси йўлида амалга оширилган кенг кўламли ишлар фикримизнинг далилидир. Биргина шу йилнинг ўзида бу борада аниқ ва тизимли асосда қанчадан-қанча эзгу ишлар амалга оширилди. Хусусан, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, ҳуқуқ-тартибот органлари, адвокатура ва судлар фаолиятини демократлаштириш, жиноий жазо тизимини либераллаштиришга қаратилган қатор қонунларнинг қабул қилиниши, амалдаги қонунчилик ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритилиши диққатга сазовордир. Бу ўз навбатида мамлакат фуқароларининг ҳуқуқий ва сиёсий маданияти юксалиши, ўзи аъзо бўлган сиёсий партиялар фаолиятига талабчанлиги ошишига хизмат қилмоқда. Ўзбекистон ХДП маҳаллий кенгашлари қошида ташкил этилган Жамоатчилик қабулхоналари, уч босқичли сиёсий ва фуқаролик маърифати ўқувлари, партия кенгашлари ҳузуридаги ахборот-ресурс марказлари ҳам бевосита шунинг натижасидир.

Иштирокчилар Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида»ги Фармони қабул қилиниши мамлакат стратегик ривожланишининг бош йўналиши – инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масаласида яна бир муҳим қадам бўлганини алоҳида таъкидладилар. Унда соҳада амалга оширилаётган ишларни танқидий нуқтаи назардан таҳлил қилиш ва самарадорлигини янада ошириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши белгиланган. Бу сиёсий партиялар зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклайди. Шундан келиб чиқиб ЎзХДП маҳаллий ташкилотлари ва депутатлик тузилмалари томонидан йўлга қўйилган ижтимоий ислоҳотлар қандай амалга оширилаётгани, бу борадаги давлат қарорлари бажарилиши устидан олиб борилаётган мониторинг ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Кенгаши ва Олий Мажлис Сенати Кенгашининг «Нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қўшма қарори юзасидан ҳам атрофлича фикр юритилди. Ўзбекистонда мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация қилиш, «Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари» ғоясини амалга оширишда мазкур ҳужжатнинг аҳамияти муҳокама марказида бўлди.

Семинар доирасида ЎзХДП ташкилотлари томонидан тўпланган тажриба асосида фуқаролик жамияти институтларининг жамоатчилик тизими ва уни шакллантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари, партиянинг ижтимоий шериклари билан ҳамкорлиги, электорат билан алоқаларни мустаҳкамлашда замонавий услублар ҳамда коммуникация технологияларидан фойдаланиш, партияда ёшлар ва хотин-қизлар сиёсатининг асосий йўналишлари хусусида интерфаол тренинглар ўтказилмоқда. Семинар бугун ўз ишини якунлайди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

САФИМИЗДА ФАОЛ ЁШЛАР

кун сайин кўпаймоқда

Яқинда Қарши – Термиз минтақавий темир йўл узели «Ғалаба» бекатида меҳнат қилаётган 11 нафар фаол йигит-қиз ХДПга аъзо бўлишди.

— Мамлакатимизда кўппартиявийлик тизими амал қилади. Уларнинг фаолиятидан хабардорман, аммо мен Халқ демократик партиясига аъзо бўлишга қарор қилдим, — дейди ана шу ёшлардан бири Зулайҳо Назарова. — Чунки ХДП одамларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш, уларнинг яхши яшашига шароит яратиш учун курашаяпти. Мен ҳам шундай хайрли ишлар ривожига ҳисса қўшиш ниятидаман.

— Жамоамизда 94 киши меҳнат қилади, — дейди темир йўл бекати бошлиғининг ўринбосари, бошланғич партия ташкилоти раиси Абдуқодир Ниёзов. — Шуларнинг ярмидан кўпи ёшлар. Хусусан, партиямизга аъзо бўлган йигит-қизлар, жумладан Зулайҳо Аллардердиева, Рўзибой Жўраев, Қувончбек Ҳамроев, Муҳаббат Бекмуродова доим ўз вазифасини сидқидилдан бажариб келаяпти. Ўйлайманки, энди улар партиямиз ғояларини тарғиб этишда ҳам бошқаларга ўрнак бўлади. Ўзбекистон ХДП аъзолари сафи ёшлар ҳисобидан кенгаяётгани айниқса қувончлидир.

Яқинда фаол йигит-қизларга партияга аъзолик гувоҳномасини тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди.

Қурбон ЖЎРАНАЗАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Суд-ҳуқуқ ислоҳоти

ЯРАШГАННИНГ АЙБИ ЙЎҚ

халқимизга хос кечиримлилик ва бағрикенглик ҳаётда ўз ифодасини топаётир

Истиқлол мамлакатимизда улкан ислоҳотлар даврини бошлаб берди. Юртбошимиз томонидан илгари сурилган демократик давлат ва ҳуқуқий фуқаролик жамияти қуриш ғояси ҳеч шубҳасиз, ушбу ислоҳотларнинг пойдевори бўлмоқда. Натижада қонун устуворлигидаги инсон манфаатларини энг олий қадрият сифатида эътироф этадиган жамият бунёд этишга киришилди.

Адолат ва ҳақиқат шиори бўлган ҳуқуқий демократик давлат ва жамият қуришга киришилди. Бу концепция миллий ва умуминсоний қадриятларга тўла мос келди.

1

Суд соҳасидаги ислоҳотларда ҳам адолат ва инсонпарварлик тамойиллари энг устувор вазифа сифатида белгилаб олинди. Хусусан, жиноий жазолар либераллаштирилди, иқтисодиёт соҳасида жиноят содир этган шахсларга нисбатан етказилган моддий зарарни қоплаган ҳолларда қамоқ билан боғлиқ бўлмаган иқтисодий таъсир чораларини қўллаш жорий этилди, жиноий жазо чораси ҳисобланган мол-мулкни мусодара қилиш қонунчиликдан чиқарилди, суд жараёнига тортишув принципи жорий этилди, жазо тизимидан ўлим жазоси чиқарилиб, у умрбод ва узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилди, дастлабки тергов жараёнида қамоққа олиш эҳтиёт чорасини қўллашга санкция бериш ваколати судларга ўтказилди, шунингдек, одил судловни амалга оширишнинг ярашув ва апелляция институтлари амалиётга киритилди.

Масаланинг ўзига хос жиҳати шундаки, амалда татбиқ этилган ушбу ҳуқуқий институтлар суд соҳасида янгилик баробарида жиноят ҳуқуқи ва жиноят процессида ўзига хос ўрин тутади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 29 августда бўлиб ўтган VI сессиясида «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилиниши муносабати билан янги институт — ярашувнинг жорий этилишини шулар қаторига киритиш мумкин. Ярашув институтининг жиноят ҳуқуқи ва жиноят процессида қайд этилиши Жиноят кодексининг 66[1]-моддасида ўз ифодасини топган. Унда ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш ҳолати илк бор қайд этилган. Айтиш мумкинки, «Жабрланувчи билан ярашув» тўғрисидаги алоҳида тоифадаги иш юритиш тартибининг татбиқ қилиниши жиноят процессуал қонунчилигини такомиллаштиришда муҳим қадам бўлди. Чунки ушбу институт ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этган шахс, агар муқаддам судланмаган бўлса, ўз айбини бўйнига олиб, жиноят оқибатида етказилган зарарни ўз ихтиёри билан бартараф этса, жабрланувчи билан ярашса, у айбланмайди, суд ишни ҳаракатдан тугатади.

2

Гарчи ярашув суд тизимида янги ҳуқуқий усул бўлса-да, у миллий қадриятларимизда асрлар давомида яшаб, такомил топиб келган. Кечиримлилик, бағрикенглик, гина-кудуратни унутиш, сабр-тоқат ва андиша халқимизнинг асл қадриятлари сифатида ҳар қандай «тазйиқ»ларга бардош бериб, бугунги кунгача етиб келган.

Ярашувнинг миллий менталитетимизга яқинлиги боис ҳам янги институтнинг жорий қилинганига кўп вақт ўтмаган бўлса-да, ушбу усулдан самарали фойдаланиш баробарида ўтган қисқа фурсат ичида ижобий натижаларга эришилди. Чунки ярашувга тушадиган жиноят ишлари соддалаштирилган тартибда тезкорлик билан қисқа муддатда дастлабки терговдан ўтказилмоқда ва судда кўрилмоқда. Бу эса, ўз навбатида ортиқча сансалорлик ва харажатларни бартараф этмоқда.

Айрим мисолларга мурожаат қилайлик. Янгийўл тумани «Қўш-ёғоч» қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи А.Нармирзаев фуқаро Ф.Таджибаевга тегишли бўлган нархи 210.000 сўмлик терак дарахтларини ўғирлаб жиноят содир этган.

Ишдаги тўпланган далиллар ва судда аниқланган ҳақиқий ҳолатларга кўра, айбланувчи А.Нармирзаев ўзига эълон қилинган айбга тўлиқ иқрор бўлиб, жабрланувчи Ф.Таджибаев билан дастлабки тергов давомида ярашган, жабрланувчи ихтиёрий равишда даъвосидан воз кечган. Айбланувчи жабрланувчига етказилган моддий ва маънавий зарарни тўлиқ қоплаган. Шунинг учун А.Нармирзаевнинг жиноят иши айблилик ҳақидаги масалани ҳал қилмасдан ҳаракатдан тугатилди.

Ш.Абдукаримов эса ўзаро оилавий келишмовчиликлар юзасидан жанжаллашиб, турмуш ўртоғи Д.Абдиҳамидовани уриб, унга енгил шикаст етказган. Суд процесси давомида улар ўзаро ярашди. Жабрланувчи судда ихтиёрий равишда даъвосидан воз кечиб, судланувчи унга нисбатан етказилган моддий ва маънавий зарарни тўлиқ қоплаганлигини, у билан ярашиб олганлигини, ярашув ўзининг хоҳиши билан бўлганлиги, шу сабабли судланувчига нисбатан қўзғатилган жиноят ишини ҳаракатдан тугатишни баён қилди. Мазкур жиноят иши ҳам ҳаракатдан тугатилди.

М.Файзуллаев ўзига тегишли енгил автомашинани бошқариб кетаётиб, пиёда Х.Тиллабоевни уриб юборган. Натижада Х.Тиллабоев ўртача оғирликда тан жароҳати олиб, шифохонага ётқизилган. Айбланувчи М.Файзуллаев айбига тўлиқ иқрор бўлиб, дастлабки тергов даврида жабрланувчи билан ярашган. Судда жабрланувчи ўз даъвосидан ихтиёрий равишда воз кечиб, айбланувчи унга етказилган моддий ва маънавий зарарни тўлиқ қоплаганлигини, ярашув ўзининг ихтиёри билан бўлганлигини баён этди. Суд ажримига кўра, М.Файзуллаевнинг жиноят иши жабрланувчи билан ярашганлиги сабабли айблилик ҳақидаги масалани ҳал қилмасдан тугатилди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Судлар томонидан ярашув институтининг татбиқ этилиши қанчадан-қанча жабрланувчиларга ва давлатга етказилган катта миқдордаги моддий ва маънавий зарарни қоплашга, энг асосийси айбдорларнинг «судланган» деган тамғадан халос бўлишига олиб келмоқда. Бу ҳолатни биргина Тошкент вилояти мисолида кўрадиган бўлсак, 2004 йилда 1276 нафар шахсга нисбатан ярашув қўлланилган бўлса, бу кўрсаткич 2005 йилда 1675 та, 2006 йилда 1653 та, 2007 йилда 1874 та, 2008 йилнинг биринчи ярмида 850 тани ташкил этган. Ярашув институтининг бу тахлитдаги ўсиб бориш динамикаси ярашувнинг самарадорлик даражасини кўрсатиб турибди.

3

Бугунги кунда ярашув институтини янада мукаммаллаштириш учун олдинда турган бир қатор масалаларни ҳал этиш зарурлиги маълум бўлмоқда. Биринчи галда судьяларда ярашув ишларига доир жиноят ишларини кўриш юзасидан кўникмаларни янада чуқурлаштириш зарур. Шу билан бир қаторда алоҳида ярашувнинг ҳуқуқий шаклини тушунтириб бериш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ярашув институти ўзининг ижобий натижаларини бераётганлигини эътироф этиб, бу борада баъзи мулоҳазаларни ҳам билдириб ўтиш мақсадга мувофиқ. Амалдаги қонунчилигимизда ярашув институтини қўллаш имконияти ҳозирча фақат биринчи босқич судига берилган. Бизнинг фикримизча, ярашув институтини қўллашни суднинг апелляция, кассация ва назорат босқичларида ҳам жорий этиш лозим. Чунки амалиётда шундай ҳолатлар ҳам юзага келмоқдаки, биринчи босқич судида ярашув институти таъсир доирасига тушувчи жиноий ишни кўриб, суд жабрланувчи ярашмаганлиги муносабати билан судланувчига нисбатан айблов ҳукми чиқаради. Аммо, маълум муддат ўтгач, жабрланувчида судланувчи билан ярашув истаги пайдо бўлиб қолган тақдирда ҳам, суд ярашув институтини қўллай олмайди. Бундай ҳолат ярашувнинг имкониятларини маълум маънода чеклайди. Ҳолбуки, ярашув учун қонунда белгиланган муддатда судланувчининг моддий зарарни қоплаш учун хоҳиши бўлган тақдирда ҳам бунинг учун маълум вақт талаб қилиниши, жабрланувчи билан ярашиш учун унинг кўнглига йўл топиши, шу мақсадда бу жараёнга маҳалладаги кўпни кўрган оқсоқолларни жалб этиш ва ўзаро муросага келиш учун ҳам маълум вақт талаб этилишини инобатга олмоқ зарур.

Мухтасар қилиб айтганда, судлар томонидан ҳозирда ярашув институтининг самарали қўлланилаётганлиги мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари устувор қадрият сифатида эъзозланаётганининг яққол ифодасидир. Шу ўринда алоҳида эътироф этиш керакки, суд соҳасидаги бу ислоҳотлар, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш борасидаги барча ишлар айнан истиқлол шарофати билан амалга оширилмоқда.

Исматулла МАМАНОВ, Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят судининг судьяси.

«ИШОНЧ»НИНГ ИШОНЧЛИ ХИЗМАТЛАРИ

Фориш — мамлакатимизнинг чорвадорлик, қорақўлчиликка ихтисослашган туманларидан бири. Бир вақтлар туман марказида чорвадору чўпонларга хизмат қиладиган маиший хизмат кўрсатиш уйи ишга туширилган эди. Бироқ анча йиллар олдин бу ерда ҳамма иш ўлда-жўлда олиб борилгани сабабли корхона фаолияти умуман тўхтаб қолганди.

Вилоятнинг қурилиш ташкилотларида кўп йил ҳисобчилик қилиб, катта тажриба орттирган тадбиркор Зоир Тоғаев ушбу бинони хусусийлаштириб олди. Бу ерда «Ишонч» хусусий корхонасини ташкил этди. Корхонада бугунги кун талаблари даражасида иш юритила бошланди. Аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг барча турлари бўйича фаолият юритилмоқда. Тикувчилик, автосервис, сартарошлик, этикдўзлик йўлга қўйилди. Натижада қисқа муддатда йигирма нафар ҳунар эгалари иш билан таъминланди.

Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш даражаси анча кўтарилди. Шу боис бу ерга келаётган мижозлар сони ҳам ортиб бормоқда. Пуллик хизмат турлари кўпайгани туфайли корхонанинг иқтисодий қуввати тобора яхшиланмоқда.

Козим ЎЛМАСОВ олган суратлар



Суратларда: *1. Тикув цехи чеварлари Дилафруз Раҳимова, Дилнора Мавлонова, Гулнора Йўлдошева, Нодира Раҳматова, Дилором Иботова. 2. Моҳир чевар Тожихон Мерганова ва корхона ходими Бозоргул Кенгашева. 3. Сарторош Шуҳрат Ниятов.*

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ШАҲРИСАБЗ ТУМАН ҲОКИМЛИГИ ОБОДОНЛАШТИРИШ БЎЛИМИ

2008 ЙИЛДА ЎРТА ТАЪМИРЛАНИШИ МЎЛЖАЛЛАНГАН ҚУЙИДАГИ ИНШООТЛАРГА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТЛАРНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА

ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Лот №1: 1) Шаҳрисабз (2 км.) айланма йўлига кириш автомобиль йўлини ўрта таъмирлаш:

Бошланғич нархи (ҚҚС билан) — **199.788.651 сўм.**

Қуввати — **1,274 км.**

Қурилиш муддати — **60 кун.**

2) Шаҳрисабз тумани Ҳожиқишлоқ — Ўймовут (3 км.) автомобиль йўлини ўрта таъмирлаш.

Бошланғич нархи (ҚҚС билан) — **35.477.506 сўм.**

Қуввати — **2,4 км.** Қурилиш муддати — **60 кун.**

Буюртмачи — Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз туман ҳокимлиги Ободонлаштириш бўлими.

Манзили — Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз тумани, Низомий кўчаси, 41-А уй.

Қурилиш ишларини молиялаштириш — Маҳаллий бюджет.

● ***Талабгор ташкилот йўл қуриш ва таъмирлаш учун махсус лицензияга эга бўлиши шарт.***

ҚАРШИ АЭРОПОРТИ

2008 йилда капитал таъмирланиши мўлжалланган қуйидаги иншоотга пудратчи ташкилотни танлаш бўйича

ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Қарши шаҳридаги эски Аэровокзал биносини капитал таъмирлаш.

Бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 303.714.400 сўм. Қурилишни тугаллаш муддати — 4 ой.

Буюртмачи — Қашқадарё вилоят Қарши Аэропорти маъмурияти.

Манзили — Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, Махтум-Қули кўчаси, 3-уй.

Қурилиш ишларини молиялаштириш — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАКнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга:

● етарли касбий ва техникавий малакага;

● иншоот қийматининг камида 20 фоиз миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки ушбу маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги;

● молиявий имкониятлар ва етарли ишчи кучи ресурсларига;

● шартнома (контракт) тузишга лаёқатли;

● юридик ҳуқуққа эга, шунингдек, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги ва ишончли бўлиши шарт.

Савдода иштирок этиш ва танлов ҳужжатларини сотиб олиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси: Қарши шаҳри, Хонобод шоссеси, 5-уйда жойлашган «Давархитектқурилиш» қўмитасининг Қашқадарё вилояти капитал қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига мурожаат қилиш мумкин.

Тел/факс: (8-375) 223-10-63, 223-19-14.

Оферталар савдо ташкилотчиси томонидан юқорида кўрсатилган манзилда қабул қилинади.

Бир тўплам тендер ҳужжатларининг нархи – 60 000 сўм.

Тендер ҳужжатларини эълон чоп этилгандан сўнг 25 кунгача сотиб олиш мумкин.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Тендер савдолари матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин «Буюртмачи» биносида ўтказилади.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ РАССОМИ РАҲИМ АҲМЕДОВ

Ўзбек маданияти ва санъати оғир жудоликка учради. Шу йилнинг 9 июль куни Ўзбекистон халқ рассоми, академик Раҳим Аҳмедов 87 ёшида вафот этди.

Раҳим Аҳмедов 1921 йили Тошкент шаҳрида таваллуд топди. У катта ҳаёт ва ижод йўлини босиб ўтди. 1947-1953 йилларда Ленинграддаги И.Е.Репин номидаги Рассомлик, ҳайкалтарошлик ва меъморлик институтида таҳсил олди. Ўз меҳнат фаолиятини 1953 йили П.Беньков номидаги Республика рассомлик билим юртида ўқитувчиликдан бошлаб, кейинчалик Тошкент давлат санъат институтида катта ўқитувчи, профессор лавозимларида ишлади. 1965-1984 ва 1992-1994 йиллар давомида Ўзбекистон Рассомлар уюшмасининг раиси сифатида самарали фаолият кўрсатди.

Истеъдодли рассом ўз асарларида она Ватанимизнинг бетакрор табиати, эзгу анъана ва қадриятларимиз, меҳнаткаш ва бағрикенг инсонлар сиймосини ёрқин бўёқларда юксак маҳорат билан акс эттирди. Унинг асарлари мамлакатимиз ва бир қатор хорижий давлатларда ўтказилган нуфузли бадиий кўргазмаларда муваффақият билан намойиш этилди. Айниқса, «Оқтош», «Баҳор», «Ҳовуз олдида», «Она ўйлари», «Дугоналар», «Январь» сингари асарлари халқимизнинг маънавий мулкига айланиб, тасвирий санъатимиз хазинасидан муносиб жой олди.

Р.Аҳмедов мўйқаламига мансуб «Тонг. Оналик», «Сурхондарёлик аёл», «Қўшиқ», «Устахонада», «Ўзбекистон халқ рассоми Ў.Тансиқбоев портрети» каби рангтасвир асарлари бадиий мукаммаллиги билан ажралиб туради.

Ўзининг бетакрор ижоди билан миллий тасвирий санъатимизда ўзига хос реалистик мактаб яратган Раҳим Аҳмедов ўнлаб ёш истеъдод эгаларига устозлик қилиб, моҳир ва меҳрибон педагог сифатида маданий жамоатчилик ўртасида ҳурмат, эътиборга сазовор бўлган.

Рассомнинг самарали ижодий меҳнати, санъат ва маданиятимиз ривожи йўлидаги катта хизматлари давлатимиз томонидан юксак баҳоланди. У «Ўзбекистон халқ рассоми» фахрий унвони, Республика Давлат мукофоти, «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланган эди.

Атоқли рассом, гўзаллик ва нафосат куйчиси, ёшларнинг ғамхўр устози Раҳим Аҳмедовнинг хотираси қалбимизда доимо сақланиб қолади.

И.КАРИМОВ, И.СОБИРОВ, Д.ТОШМУҲАМЕДОВА, Ш.МИРЗИЁЕВ, Х.СУЛТОНОВ, Р.ҚОСИМОВ, Т.ҚЎЗИЕВ, В.БУРМАКИН

Миллий иқтисодиёт:

ЖАДАЛ ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАР САМАРАСИ

Миллий иқтисодиёт — бир-бири билан боғлиқ турли ишлаб чиқариш тармоқлари, соҳалар ва бошқа таркибий тузилмалардан иборат. Одатда, таркибнинг шакллари ва мутаносиблиги намоён бўлиши учун уларни гуруҳлаш керак. Шундан келиб чиқиб, миллий иқтисодиёт таркибини тўрт гуруҳга ажратиш мумкин: тармоқ таркиби; ҳудудий таркиб; ижтимоий-иқтисодий таркиб; такрор ишлаб чиқариш таркиби.

Самарадорликни оширишнинг асосий йўлларидан бири — бу миллий иқтисодиёт таркибини такомиллаштириш ва унинг оптимал нисбатини вужудга келтириш. Бунда иқтисодий ўсиш ва аҳоли турмуш фаровонлиги ортишини таъминлаётган таркиб тушунилади. Таркибий тузилишни ўзгартириш учун эса моддий, меҳнат ва молия ресурслари иқтисодиётнинг турли секторлари ўртасида қайта тақсимлашни тақозо қилади. Миллий иқтисодиёт таркиби ҳар бир даврдаги ижтимоий меҳнат тақсимотини, фан-техника тараққиёти характерини, давлатнинг таркибий сиёсатини, ижтимоий талабни ифодалаб беради. У иқтисодиётимиз таркиби тизимида асосий ўрин эгаллайди ва ҳудудий ҳамда такрор ишлаб чиқариш таркиблари билан ўзаро боғлиқ бўлади.

Иқтисодиёт таркиби бевосита давлат макроиқтисодий сиёсатининг таъсири остида бўлади. Давлатнинг таркибий сиёсати бир томондан — иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар стратегияси ва тактикалари ишлаб чиқилишини, иккинчи томондан — таркибий ўзгаришлар амалга оширилишининг самарали чора-тадбирлари ва механизмини аниқлаш ҳамда мазкур механизмлар такомиллашуви устидан назорат қилишни тақозо этади.

Таркибий сиёсат — бу ижтимоий ишлаб чиқариш тараққиётини асослаш ва устувор йўналишларини танлаш, ишлаб чиқариш тармоқлари ва соҳаларининг мутаносиблигини таъминлаш, фан-техника тараққиётининг ишлаб чиқаришга қўллаган ҳолда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳамда аҳолининг ўсиб, ўзгариб бораётган эҳтиёжларини қондиришдир.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш даврида 2010 йилларга мўлжалланган иқтисодий таркибини ўзгартириш концепцияси изчил амалга оширилмоқда. Республикада олиб борилаётган оқилона иқтисодий сиёсат кўпгина МДҲ мамлакатларига хос баъзи иқтисодий инқироз ва беқарорлик ҳамда чуқур таркибий инқирозни четлаб ўтди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодиётида амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар бугун ўз самарасини бермоқда. Буни республикада ЯИМнинг ўсишидан кўриш мумкин. 2005-2007 йиллар якунлари шуни кўрсатдики, ўтган йилларда деярли барча макроиқтисодий кўрсаткичлар бўйича прогноз ҳажми ва кўрсаткичлари тўла бажарилди. Биргина 2007 йилда ялпи ички маҳсулотнинг 9 фоиздан ортгани фикримизнинг яққол далили.

Хизмат кўрсатиш соҳасини оладиган бўлсак, бу тармоқ ҳам жадал ривожланмоқда. Соҳанинг ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши 38,5 фоиздан ошгани, жумладан, коммуникация, транспорт ва алоқа тармоқлари бўйича хизмат кўрсатиш ҳажми беш йил мобайнида бир ярим баравар ўсгани бунинг яна бир далолатидир. Сўнгги беш йилда суғурта хизматлари ҳажми 5 марта, лизинг операциялари деярли 6, аудиторлик хизмати (пул билан ҳисобланганда) тахминан 9 марта ўсгани, табиийки, салмоқли натижалардир.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистон иқтисодиётида иқтисодий ислоҳотлар тобора чуқурлашиб, таркибий ўзгаришлар жадаллашаётгани катта самара бермоқда. Бу ўз навбатида миллий иқтисодиётни янада ривожлантиришга, аҳоли даромадларини кўпайтириб, фаровонлигини оширишга, республикамизнинг жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашувини таъминлашга хизмат қилиши шаксиз.

Барҳаёт БАХТИЁРОВ,
ТДИУ «Халқаро иқтисодий муносабатлар» факультети талабаси.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

қуйидаги иншоот қурилиши учун пудратчи ташкилотни танлаш бўйича очиқ танлов савдолари ўтказилишини

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Сурхондарё вилояти, Бойсун тумани марказий шифохонасининг Болалар бўлими биносини 60 ўринли Туғуриқхона бўлимига айлантириш учун капитал реконструкция қилиш.

Иншоотнинг бошланғич нархи — ***175,0 млн. сўм.*** Қурилиш муддати — ***120 кун.***

Иншоотнинг қурилиш ишларини молиялаштириш Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниясига ажратилган Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачи: Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

Манзили: Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй.

Тел/факс: (8-376) 222-49-71, 222-49-80, 222-49-85.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси «Ўздавархитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

Термиз шаҳар, А.Темур кўчаси, 69-уй, Телефон/факс: (8-376) 222-44-73, 222-44-76.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Оферталарни очиш куни ва вақтигача савдо ташкилотчиси томонидан оферталар қабул қилинади.

Таклифлар очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: **Термиз шаҳар, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй.**

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

қуйидаги иншоот қурилиши учун пудратчи ташкилотни танлаш бўйича очиқ танлов савдолари ўтказилишини

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

4А-602 «Каптархона қишлоғи — Учқизил темир йўл бекати» автомобиль йўлининг 2-6 км. қисмини тўла таъмирлаш.

Иншоотнинг бошланғич нархи — ***1538,457 млн. сўм.*** Қурилиш муддати — ***330 кун.***

Буюртмачи: Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

Манзили: Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй. Тел/факс: (8-376) 222-49-71, 222-49-80, 222-49-85.

Иншоотнинг қурилиш ишларини молиялаштириш — Сурхондарё вилоят ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниясига ажратилган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: қурилиш-монтаж ишларини бажариш учун рухсатнома (лицензия)га, танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Ўздавархитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: **Термиз шаҳар, А.Темур кўчаси, 69-уй, Телефон/факс: (8-376) 222-44-73, 222-44-76.**

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиши куни ва соати.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: **Термиз шаҳар А.Бакуменко кўчаси, 5-уйда** ўтказилади.

Корхоналар ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

САМАРҚАНД ШАҲРИДАГИ 60-СОНЛИ САНАТОРИЙ ТУРИДАГИ БОЛАЛАР БОҒЧАСИ

қуйидаги иншоотни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотни танлаш бўйича

ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

САМАРҚАНД ШАҲРИДАГИ 60-СОНЛИ САНАТОРИЙ ТУРИДАГИ БОЛАЛАР БОҒЧАСИНИ КАПИТАЛ РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШ

Қурилиш ишларини бажариш муддати — **4 ой.**

Қурилиш ишлари маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи: Самарқанд шаҳридаги 60-сонли санаторий туридаги болалар боғчаси.

Манзили: Самарқанд шаҳри, Ярмуҳаммедова кўчаси, 2-уй, **телефон:** (8-366) 221-41-86.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: улар танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига, қўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус-2Д, 403-хона, тел: 231-13-51, факс: 233-32-00.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 60 000 сўм.

Оферталар савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази томонидан қуйидаги манзилда қабул қилинади: **Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус-2Д, 403-хона, тел: 231-13-51, факс: 233-32-00.**

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдонида соат 15.00 да Самарқанд вилоят ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида ўтказилади.

Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!

«Крокус Газ Сервис» ҚК

«Сигнал» ва «Газдевайс» ЁАЖ компаниялари гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили қуйидагиларни таклиф этади:

ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).

Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.

Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м³, 250 м³, 400 м³, 650 м³, 1000 м³, 1600 м³ гача ва ундан ортиқ.

Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Россияда ишлаб чиқарилган

«АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧАНАЁТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТЎҒРИЛАЙДИГАН

замонавий электрон газ ўлчагичлари.

Ўлчаш диапазонлари:
- **«АГАТ» G-16 (соатига 0,16 м³ дан 25 м³ гача);**
- **«АГАТ» G-25 (соатига 0,25 м³ дан 40 м³ гача);**
- **«УБСГ» 001 G-4 (соатига 0,04 м³ дан 6 м³ гача).**
- **«УБСГ» 001 G-6 (соатига 0,06 м³ дан 10 м³ гача).**
- **«УБСГ» 001 G-10 (соатига 0,1 м³ дан 16 м³ гача).**

Кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Моштабиб» кўчаси, 7-уй. Мўлжал — Тошкент вино заводи. Тел./факс: 232-21-22, 236-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

ХИТОЙ ВА ҲИНДИСТОН БИТИМГА ТАЙЁР ЭМАС

Хитой ва Ҳиндистон «саккизлик»нинг парник газини 2050 йилгача икки баробар қисқартиришга доир режасини қабул қилишга тайёр эмас. РИА Новости хабарига кўра, бу икки давлат режага 2050 йилдан кейин амал қилиши мумкин. Шунга қарамай, Хитой ва Ҳиндистон вакиллари бу ғояни қўллаб-қувватлашини билдирди. Айни вақтда, ер юзидаги иқлим ўзгаришига олиб келувчи парник газининг камида 25 фоизи мазкур давлатлар улушига тўғри келади. Парник гази чиқарувчи асосий корхоналар 17 мамлакатда жойлашган бўлиб, бу давлатлар вакилларидан иборат гуруҳ кейинги йил кучини йўқотадиган Киото протоколи ўрнига янги келишувни имзолашни маъқул кўрди.

Шунингдек, «саккизлик» Зимбабведа бўлиб ўтган иккинчи босқич президентлик сайлови ҳақиқий эмас, деб топди ва Зимбабвега нисбатан иқтисодий санкция қўллашини маълум қилди. АҚШнинг санкция қўллаш таклифини Франция ва Германия қўллаб-қувватламоқда. Россия ўзининг вето ҳуқуқидан фойдаланмаса, у жорий этилиши мумкин. Зимбабве ҳукумати вакиллари «саккизлик»нинг бу қарорини Африка халқларини ҳақорат қилиш деб баҳолади.

Эслатиб ўтамиз, Зимбабведаги президент сайловининг иккинчи босқичида Роберт Мугабе 85,51 фоиз овоз олган. Мухолифат вакили Морган Цвангирай номзоди қўйилгани ҳолда, сайловда иштирок этишдан бош тортган.

ЁҚИЛҒИ НАРХИ АВИАКОМПАНИЯЛАРНИ ИНҚИРОЗГА УЧРАТМОҚДА



Нефть нархининг кўтарилиши йилнинг биринчи чорагида дунёдаги 25 та авиакомпания ўз фаолиятини тўхтатишига олиб келди, деб хабар беради AFP. Бунга сабаб — компаниялар иқтисодий инқирозга учрамоқда. Ҳаво транспортининг Халқаро Уюшмаси (IATA) вакилларининг айтишича, яқин орада яна бир неча авиакомпания ёқилғи нархининг қимматлашиши туфайли ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлади. Инқирозга юз тутган компаниялар орасида АҚШнинг Frontier Airlines ва Буюк Британиянинг Silverjet авиакомпаниялари ҳам бор. Уюшма 2008 йилда 6,1 миллион долларгача зарар кўриши мумкин.

МУСТАҚИЛЛИК МЕНИНГ ТАҚДИРИМДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бир мисол: мустақиллигимизнинг илк йилларидан то бугунги кунгача Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимидаги мусиқа ва санъат мактабларининг 175 нафар маҳоратли ижрочилари энг нуфузли халқаро танлов ва фестивалларда ғолибликни қўлга киритган бўлса, 2251 нафар истеъдодли ёш республика миқёсида ўтказилган танловлар совриндори бўлишган. Буларнинг ичида анъанавий, эстрада ва академик ижрочилик йўналишларида юртимиз довруғини дунёга ёйган Улуғбек Полвонов, Эленора Котлибўлатова, Ирэна Гульзарова, Мадина Файзиева, Қаҳрамон Ҳайдаров, Комил Мусаев, Нодир Ҳошимов, Беҳзод Абдураимов, Тоҳиржон Асқаров сингари ноёб иқтидорлар бор.

Биз ушбу янги рукн остида ана шундай юртдошларимизнинг ютуқлари, орзу-интилишлари, мустақиллик туфайли ўзгарган ҳаётимиз ҳақидаги фикрларини ёритиб боришни ният қилдик. Бугунги илк қаҳрамонимиз — қатор танловлар ғолиби, Александр Глазунов номидаги V Халқаро танлов I даражали Дипломи соҳиби Малика АНОРМАТОВА.

Малика ҳозир 14 ёшда. Глиэр номли Республика махсус мусиқа академик лицейида ўқийди. Ҳаётга, атрофдагиларга нисбатан қарашлари теран бу қизчанинг эришган ютуқларига тенгдошлари ҳавас қилса арзийди. 2003 йили 9 ёшида «Санъат ғунчалари» республика кўрик-танловининг II даражали, 2004 йили I даражали дипломи соҳиби, 10 ёшида Москва шаҳрида бўлиб ўтган «Новые имена» ижодий мактаби дипломи ва мастер класс унвони эгаси, 2005 йили Россиянинг Суздаль шаҳрида ўтказилган XIII халқаро ЮНЕСКО жамғармасининг бадиий мактаби тингловчиси, 2006 йили «Новые имена» фонди Тошкентда ташкиллаштирган ҳудудий танлов стипендиати, 2007 йили Франция пойтахти Париж шаҳрида ўтказилган Александр Глазунов номли V Халқаро танлов I даражали дипломи лауреати. Беш йилдан бери спортнинг сузиш турига қатнайди, уйида компьютерда мусиқа басталашни яхши кўради...

— Боғчадаёқ мусиқага қизиқканман, — дейди у. — Буни сезиб, ота-онам мени Глиэр номидаги мусиқа мактабига олиб боришган. Комиссия аъзолари имтиҳон пайти мусиқа қобилиятимни синаб кўриб, мени торли-камонли бўлимга тавсия қилишди. Шундан бери виолончель синфида таълим олиб, ўз ижрочилик маҳоратимни миллий ва жаҳон классик бастакорлари асарлари орқали бойитиб боришга ҳаракат қилаяпман.

Дарҳақиқат, 2005 йили 27 июль — 12 август кунлари Москвада «Новый имена» номли минтақавий хайрия жамоатчилик жамғармаси томонидан мусиқий олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари иштирокида ташкил этилган машғулотлар Малика учун машҳур виолончель усталарининг маҳорат сирларини бевосита ўрганиш, улардан сабоқ олиш имконини берди. Айниқса, жамғарма президенти, машҳур профессор Владимир Тонха алоҳида тавсиялар бергани Малика учун катта ютуқ бўлди. Россиялик мутахассис ёш истеъдоднинг санъатдаги кучли мусиқа қобилиятини кўриб, унга ижодий парвоз тилади.

Орадан икки йил ўтгач, 2007 йил апрель ойида Малика Анорматова Парижда ўтказилажак Александр Глазунов номидаги V Халқаро торли-камонли мусиқа асбоблари танловига таклифнома олди. Яъни «Новые имена» жамғармаси ўтказган танлов совриндори сифатида унда иштирок этди. Дунёнинг 13 та давлатидан мусиқачилар келган мазкур нуфузли танловда ҳайъат аъзолари Маликанинг ижрочилик қобилиятига юқори баҳо бердилар. Танлов шартига кўра, истеъдодли ҳамюртимиз машҳур бастакорлар Г.Форенинг «Жалоба», Генделнинг «Ларгетто», Вивальдининг виолончель ва оркестр учун ёзган «Концерт», С.Юдаковнинг «Алла» асарларини катта маҳорат билан ижро этди ва томошабинлар олқишига сазовор бўлди.

— Бугунги ёшларимиз орасида билимли, қобилиятлилари жуда кўп, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи, академик лицей ўқитувчиси Озод Акбаров. — Улар юртимизда ва хорижда илм-фанимиз, маданият, спорт ва санъатимизнинг довруғини таратиб, юзимизни ёруғ қилишмоқда. Малика ҳам ўзининг иқтидори, билими, танлаган соҳасига астойдил қизиқиши билан тенгдошлари орасида ажралиб туради. Бугун санъатимизнинг у сингари янги истеъдодлар билан бойиб бориши юртимизнинг равнақидан, эртага ўз заковати билан дунёни лол этишга қодир авлодлар улғаяётганидан далолатдир.

— Эришаётган ютуқларим аввало мустақиллик берган имкониятлар ва Президентимизнинг биз ёшларга, санъат соҳасига кўрсатаётган ғамхўрликлари туфайли деб биламан, — дейди Малика Анорматова. — Президентимиз биз, ёшларга қарата, **«Ҳеч қачон бўш келманглар, болаларим, эртанги кун бизники, марра бизники»,** деб таъкидлаб келяпти. Бизга ана шу ишонч қанот бўлади, доимо шу азиз юртимизга, халқимизга хизмат қиламиз.

Матназар ЭЛМУРОДОВ.

Суратларда: Малика Анорматова Париждаги Славян консерваторияси асосчиси, фахрий президент Хайрия Вукобрат хоним ва устози Озод Акбаровлар билан (2007 йил, апрель); ғолиблик сертификатлари.

Сурхондарё вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази замонавий асбоб-ускуналар билан қайта жиҳозланди. «Brillians-ST-6» русумли компьютер томография ускунасининг фойдаланишга топширилиши эса барча турдаги касалликларни тез ва тўғри аниқлаш, зарур муолажани ўз вақтида амалга ошириш имконини беради.

ШИФОХОНАНИНГ ЯНГИ ЖИҲОЗЛАРИ

Шу муносабат билан ўтган маросимда мамлакатимиз тиббиёт соҳасида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар ўзининг юксак самараларини бераётгани алоҳида таъкидланди. Буни аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш, соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ташҳис қўйиш ва даволаш сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётган Сурхондарё вилояти мисолида ҳам кўриш мумкин. Бугун бу ерда замонавий ташҳис қўйиш ва даволаш воситалари билан жиҳозланган ўнлаб шифохона, поликлиника ва қишлоқ врачлик пунктлари аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатмоқда.

Тадбирда Сурхондарё вилояти ҳокими Т.Жўраев иштирок этди.

Х.МАМАТРАЙИМОВ, ЎзА мухбири

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi: Bardambek SA`DULLAYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 649
8078 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O`zA yakuni — 21.00
Topshirilgan vaqti — 01.30
1 2 3 4 5 6 8
Sotuvda erkin narxda

ВЕНАДАН ТОШКЕНТ ОРҚАЛИ ПЕКИНГА

Тошкентда Австриядан Хитойга автомобилда йўл олган бир гуруҳ сайёҳлар билан учрашув ўтказилди. Пекинда бўлиб ўтадиган ёзги Олимпиадага Австрия термасининг байроғини тарихий Буюк ипак йўли орқали етказиш ниятида бўлган тўрт «Жип»даги саккиз сайёҳ ўз режалари билан ўртоқлашди.

Австриянинг «Backaldin» компанияси ҳомийлигида ўтаётган автопойга қатнашчилари билан бўлиб ўтган учрашувни пойтахтимиздаги «Евроснаб Ташкент» корхонаси ташкил этди. Австриянинг «Silkroad Challenge 2008» 13 июнь куни йўлга чиққан эди. Машҳур сайёҳ Марко Полонинг издошлари бўлмиш ушбу йўлчиларнинг сафари 8 август куни Пекинда ниҳояланади. Сайёҳлар юртимизга етиб келгунларига қадар Италия, Греция, Туркия, Эрон, Туркманистондан ўтишди. Австрия жамоаси Тошкентга етиб келгунга қадар Бухоро ва Самарқандда бўлишди.

— Биз Тошкентга етиб келдик ва йўлда ҳеч қандай қийинчиликларга дуч келмаганимиздан хурсандмиз, — деди жамоа аъзоси Харальд Ауцингер. — Ўзбекистон Шарқнинг энг обод ва гўзал гўшаларидан биридир. Сизнинг заминингизда ўз чиройини ва маҳобатини сақлаб қолган қадимий обидалар кўп. Халқингизнинг меҳмондўстлиги ва очиқкўнгиллиги мени жуда лол қолдирди. Кўрганкечирганларимиз Ўзбекистон тўғрисидаги таассуротларимизни буткул ўзгартириб юборди.

«Silkroad Challenge 2008» жамоаси юртимиз сарҳадларини босиб ўтганидан сўнг Қозоғистон ва Қирғизистон орқали Хитойга сафарини давом эттиради. Жанубда тоғлар ва чўллар билан ўралган Тоғли Макон минтақасида Хитой чегараси кесиб ўтилади. Пекингача 5 минг километр масофани кўрсатувчи ушбу худуд, сайёҳларнинг таъкидлашича энг мураккаб минтақалардан биридир. Улар Олимпиадага етиб боргунларига қадар автомобилда 13 минг 539 километр ва денгиз орқали 1 минг 600 километр йўлни босиб ўтишади.

«Туркистон-пресс»

Инсон руҳияти

ГЎЗАЛЛИК

нафақат ички, балки ташқи кўринишимизни ҳам белгилайди

Инсонга энг яқин олам — бу унинг ички, руҳий оламидир. Одам руҳияти орқали реал дунё билан боғланган теварак-атрофни, табиатни ҳис қилади ва билади. Ҳар бир инсоннинг руҳий олами мураккаб ва чексиз, хилма-хил образ ва ҳиссиётлар билан тўла, аммо микро ва макро дунёни ўрганишда, космосни ўзлаштиришда ажойиб муваффақиятларга эришган инсон ўзининг ички оламини ниҳоятда кам билади. Сабаби — психика қонунлари механика, физика, химия ёки биология қонунларига қараганда ниҳоятда мураккаб. Ўзини, ўз қалбини мукаммал даражада тушунадиган инсон бормикан дунёда? Ўзгалар ички оламининг поёнига етган одамни учратиш мумкинми? Даргумон. Чунки ички олам чексиз ва тубсиз, ҳар қайси одамда бошқаларникига ўхшамайдиган тарзда мавжуддир. Бу олам ичида сўз билан ифодалаб бўлмайдиган нарсалар ҳам кўп. Сайёралар ва зарралар ҳаракатининг формулалари бор, лекин қалб ҳаракати формуласи ҳали ёзилгани йўқ. Бироқ, инсон ўз ички оламига доимо йўл излаган ва излашдан ҳеч қачон тўхтамайди.

Одамнинг чехраси, маълум даражада, унинг руҳияти ҳақида кўплаб психологик маълумот бера олади. Масалан, хижолат чекаётган киши бошини қуйи солиб туриши, чигал муаммо устида ўйланаётган одамнинг бош қашлаши табиий туюлади. Демак, одамнинг ташқи кўриниши унинг ички оламига қанчалик сезиларли таъсир қилишини турмуш тажрибаси ҳам исботлайди.

«Имиж» атамаси лотинча «Imagi» сўзидан олинган бўлиб, уни ўзбек тилига таржима қилсак, қиёфа, сиймо, тимсол, чирой, машҳур, муқим келишган, савлатли, кўримли, обрўли, нуфузли каби маъноларни билдиради. Бу сўз инглизларда раҳбар, ишбилармон, ижодкор образи, қиёфаси, обрўйи, шуҳрати, донғи, машҳурлиги деган маъноларда ишлатилади. Ҳозирги даврда «имиж» сўзи инглизлар орқали жаҳоннинг кўпгина тилларига кириб келди. Рус тилида «имиж» — репутация, қозоқ тилида — машҳур, улуғ, ўзбек тилида — обрў, нуфуз каби сўзларга синоним сифатида ишлатилмоқда. Замонавий ўзбек тилида ҳам «у одамнинг имижи баланд», «у раҳбар ўзига зўр имиж яратибди», «бу ижодкорнинг имижи яхши», «бу шахс ўз имижи билан кўп масалаларни ҳал қилмоқда» каби сўзларни кўп эшитадиган бўлиб қолдик.

Обрў, ҳурмат, иззатдан ортиқ қадриятни топиш қийин. Бунга эришиш учун жаҳондаги ишбилармонлар, бизнесменлар, фирма бошлиқлари, сиёсий лидерлар, давлат раҳбарлари ўз имижини кўтариш учун ҳеч нарсани аямайдилар. Уларнинг кўплари ўз нуфузини ошириш учун махсус мутахассисларни жалб этиб, уларга жуда катта пуллар тўлашади. Яна шуни алоҳида қайд этиш керакки, жаҳонда бу соҳадаги ишларни олиб борувчи махсус мутахассислар ҳам пайдо бўлмоқда. Бу касб эгаларини — «имижмейкер»лар деб аташади. Имиж (обрў, ҳурмат)ни шакллантиришга кўмак берувчи бу мутахассислар жуда қадрли нуфузли касб эгалари ҳисобланади. Ва табиийки, уларга талаб ошиб бораяпти.

«Имижга махсус аҳамият бериш шарт эмас, ҳар ким яхши ишласа, унинг обрўйи яхши бўлади» дейдиганлар ҳам кам эмас. Бу тўғри албатта, бироқ, ўз навбатида ҳар қандай инсоннинг имижи қанча баланд бўлса, ўзининг ҳам, у ишлаётган ёки бошқараётган жамоанинг ҳам иши яхши бўлади. Демак, яхши иш — яхши имижни, яхши имиж — яхши иш бўлишини таъминлайди.

Ҳозирги даврда дунёда нафақат «имиж» сўзи кенг қўлланилибгина қолмай, балки жаҳон фанлар тизимида «имижелогия» деган янги фан ҳам пайдо бўлди. Бу фан ҳозир дунёнинг кўпгина йирик университетларида ўқитилмоқда. Масалан, Санкт-Петербург, Киевдаги олий даргоҳларда шу фандан дарслар ўтилмоқда.

Кейинги йилларда жаҳонда, шу билан бир қаторда МДҲ мамлакатлари доирасида ҳам давр талабидан келиб чиққан ҳолда шахс имижини яратиш, шакллантириш каби муаммолар кенг қўламда ўрганилиб, ижобий хулосаларга келинмоқдаки, натижада Ўзбекистонда ҳам уни фан тармоғи сифатида шакллантиришга эҳтиёж сезилмоқда.

Албатта, «имижелогия» фани ўз-ўзидан пайдо бўлгани йўқ. У маданиятшунослик, этика, педагогика, психология, социология, эстетика ва бошқа фанлар туташган жойда шакланмоқда. Қандай бўлмасин, у кўпроқ маданиятшунослик фани ютуқлари ва натижаларидан фойдаланади.

Дарвоқе, бутун дунё глобаллашаётган бир даврни бошдан кечираётган XXI асрда биз сўз юритаётган соҳага ҳам эҳтиёж сезилаётгани бу табиий жараён. Шундай экан, биз ҳам бу борада изланиб, тажриба ўргансак мақсадга мувофиқ бўларди.

Нигора ҚУВВАТАЛИЕВА, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси.

Спорт

ДЕБЮТАНТНИНГ «БРОНЗА»СИ

янги ғалабалар сари ундамоқда

Футбол мамлакатимиздаги энг оммавий спорт турларидан саналади. Айни чоғда юртимизда спортнинг бошқа турларини ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратилаётир. Бунга Ўзбекистон волейбол федерацияси фаолиятини яққол мисол қилиб келтириш мумкин. Ҳозирда республикамиздаги таълим муассасалари — ўрта мактаб, академик лицей ва коллежлар, олий ўқув юртларининг барчасида мазкур спорт турига ихтисослашган тўгараклар ишлаб турибди. Бу спорт турини янада тараққий эттириш борасида Президентимиз ташаббуси билан жорий қилинган уч босқичли спорт тизими — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» мусобақалари, айниқса кўл келмоқда. Аллақачон ёшларимизнинг севимли мусобақаларига айланган мазкур уч босқичли спорт тизимида ўз маҳоратини оширган юзлаб ёшлар бугун мамлакатимизнинг етакчи спорт жамоаларида ғолиблик учун майдонга чиқаётганликлари, янада қувонарлидир.

Волейбол бўйича эркаклар ўртасида ўн олтинчи маротаба ўтказилган Ўзбекистон чемпионати баҳсларини кузатиб бунга яна бир карра амин бўлдик. Тан олиш керак, якин-якингача бу мусобақада асосан пойтахтликларнинг якка пешқадамликларига кўникиб қолинганди. Чемпионат низомига кўра, Наманган, Самарқанд, Яйпан ва Тошкент шаҳарларида ташкил этилган тўрт турдан иборат мусобақалар натижаси шуни кўрсатдики, республикамиз қишлоқ ва шаҳарларида ҳам иқтидорли ёшлар сафи тобора кенгаймоқда.

Кескин ва муросасиз ўтган баҳслар якунида Самарқанднинг «УЗИ-Самарқанд» жамоаси Ўзбекистон чемпиони, деган юксак унвонга сазовор бўлди. Олмалиқнинг ОТМК волейболчилари эса иккинчи ўринни эгаллашди. Олий лига учрашувларида илк маротаба иштирок этишига қарамай, Яйпаннинг «Олимжон Акбаров» (Фарғона вилояти) жамоасининг фахрли учинчи ўринни банд этиши кўпчилик учун кутилмаган ҳол бўлиши билан бирга, мутахассисларда илиқ таассурот қолдирди.

— Одатда, совринли ўринлар учун курашадиган аксарият жамоалар асосан таниқли ва тажрибали спортчилар маҳоратига суянишади, — дейди чемпионат бош ҳаками Озод Пўлатов. — Аммо диққатимни тортган жиҳати, мусобақа дебютанти фақат маҳаллий ёшлардан ташкил топганлиги бўлди. Яйпанликлар таркибининг асосан талаба ва мактаб ўқувчиларидан иборатлиги эса жамоанинг келажаги порлоқлигидан дарак беради. Агар улар шу шижоат ва иштиёқ билан ўз тажрибаларини оширсалар, тез орада мамлакат чемпионлиги ва Ўзбекистон кубогини ҳам қўлга киритишлари шубҳасиз.

— Яйпанда маҳоратли волейболчилар жуда кўп, — дейди «Олимжон Акбаров» жамоаси ўйновчи-мураббийи Муҳиддин Шодмонов. — Аммо ҳомийлар бўлмаганлиги туфайли бундай йирик мусобақаларда иштирок эта олмаётган эдик. Шу боис, кўплаб яйпанлик иқтидорли йигитлар мамлакатимизнинг «УЗИ-Самарқанд», ОТМК сингари жамоалари шарафини ҳимоя қилиб келишаётганди. Ўтган йил охирида яйпанлик спорт фидойиси марҳум Олимжон Акбаров фарзандлари волейбол жамоаси ташкил этиш ва ҳомийлик қилиш ташаббуси билан чиқишди. Бу оиланинг бугунги кунда мамлакатимизда футбол, ногиронлар футболи, бокс сингари спорт турларини ривожлантиришга катта ҳисса қўшаётганликларини барча кўриб, билиб турибди. Шу боис, Акбаровлар оиласининг янги ташаббуси мен каби спортга чанқоқ, волейбол шинавандаларини хурсанд қилди. Қисқа фурсатда жамоани шакллантирдик. Эътиборли томони, ҳали бирорта етакчи жамоада ўйнамаган, аммо иштиёқи баланд маҳаллий йигитларни таркибга жалб этдик. Уларнинг аксариятини юртимизда ўтказиб келинаётган уч босқичли спорт тизимида Фарғона вилояти шарафини ҳимоя қилган ёшлар ташкил қилди. Жамоамизнинг аҳиллиги ва ғалабага чанқоқлиги эса илк иштирокимиздаёқ бронза медалини қўлга киритишимизга замин яратди.

Айни пайтда «Олимжон Акбаров» волейбол жамоаси шу ойнинг охирги ўн кунлигида пойтахтимизда Ўзбекистон волейбол федерацияси кубоги учун ўтказиладиган баҳсларга пухта ҳозирлик кўраётир.

Эркин ХОЛБОБО

Суратда: Ўзбекистон чемпионати бронза медали совриндори «Олимжон Акбаров» волейбол жамоаси.

Муаллиф олган сурат.

(Газетанинг навбатдаги сони 15 июль, сешанба куни чиқади).